

ЛОЙИҲА



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ТУМАН КЕНГАШИ ҚАРОР

Тошбулоқ шаҳарчаси

“___” _____ 2021й.

_____-_____- сонли

Наманган туманида 2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни (ЎРҚ-659-сон) Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг 2021 йил “___” декабрь кунги _____-сонли **“2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида”**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонига кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

- туман халқ депутатлари Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

- туман халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг

худудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг 2021 йил “___” декабр кунги _____-сонли қарорига мувофиқ 2022 йил учун:

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Наманган туманида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ ўлчамда 25200 минг сўм;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) Наманган туманида базавий солиқ ставкаси 1 кв.м. учун мутлақ ўлчамда 217,6 сўм миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Наманган туманининг худудларини иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юқини келгуси йилда кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг 2021 йил “___” декабр кунги _____-сонли қарорида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан юридик шахслар учун 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

4. Туман ҳокимлиги Наманган туман Давлат солиқ инспекцияси билан биргаликда 1-,2-иловага мувофиқ солиқ ставкаларини солиқ тўловчиларга белгиланган муддатларда етказилишини, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси

С. Мўминов

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

А.Ахмадалиев

Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғининг ўринбосари

А.Болтабаев

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири

А.Собиржанов

Наманган туман ДСИ бошлиғи

К.Кенжаев